O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 30 январь, шанба • № 9 (11.092) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

О.Обидовни Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Оқилжон Обидов Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири этиб тайинлансин ва шу сабабдан у Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил, 28 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Б.Ҳ.Умурзоқовни Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Баҳодир Ҳамидович Умурзоқов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил, 28 январь.

«КИБО» КЕЛАЖАГИ БОРЛИГИ АЁН

ОЛМОНИЯ тадбиркорлари билан Чирчиқда барпо этилган бу корхона маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлмоқда. Унинг тамғаси босилган катталар ва болалар пойабзаллари кўримлилиги, бичими билан ажралиб туради ва рақобатбардошдир. Ҳозирги вақтда бу ерда вилоятимиздаги барча қўшма корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг салкам уч фоизи тайёрланмоқда.

Корхона жамоаси бозор талабини ўрганиб, маҳсулот турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Шу кунларда ёзги мавсумга мўлжалланган оёқ кийимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тайёргарлик кўрилмоқда.





СУРАТЛАРДА: Зулфия Назарметова — техника назорати бўлимининг жонкуяр ходими (чапда); Ҳамидулла Раҳматуллаев эса қолипловчи бўлиб ишлайди (юқорида). Бу илғорлар ҳамкасбларига ҳамиша ўрнак бўлмоқда.

Владимир ПОРТНОВ олган суратлар.

Вилоят фаоллари йиғилиши

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — БОШ ТАМОЙИЛ

КЕЧА ТОШКЕНТ ТУМАНИДАГИ ҒУЛОММАҲМУД АБДУЛЛАЕВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФАОЛЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ЙИҒИЛИШДА вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, шаҳар, туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар ва оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўринбосарлари, вилоят, шаҳар, туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари бошлиқлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, қишлоқ, қўрғон, маҳалла, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш йиғинлари раислари иштирок этдилар.

Фаоллар йиғилишида 1998 йилда вилоят бўйича жиноятчиликнинг аҳволи, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда вазиятни барқарорлаштириш тўғрисидаги, вилоят фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида қонун асосида иш юритилиши ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Фаоллар йиғилишини вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Равшан Ҳайдаров маъруза қилди.

Маърузачи вилоят бўйича жиноятчиликнинг 1998 йилдаги аҳволини ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан олиб борилаётган ишларни таҳлил этар экан, бу борада қатор муҳим тадбирлар амалга оширилганлиги билан биргаликда ҳали жойларда жиноятчиликка қарши кураш учун кўп иш қилиниши зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан жамоатчиликнинг узвий алоқаларини йўлга қўйиш, жамиятимизда рўй бераётган турли ҳуқуқбузарликлар ва иллатларга барҳам бериш бевосита маҳаллалар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идоралари, хотин-қизлар қўмиталари, «Камолот» ва бошқа жамоат ташкилотларининг ишини ягона мақсад йўлида мувофиқлаштириш катта самара беражаклиги айтилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда айтилаётган ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тафаккур тушунчаларининг туб маъзи ҳам одамларни адолатли, ҳуқуқий, демократик давлат қуришга ўргатиш, шу шароитда яшашга, энг муҳими, қонун устуворлигини таъминлаш билан белгиланади. Бу ёшлар тарбиясида, фуқаролар тафаккурида ҳам туб ўзгаришлар ясайди. Ана шунинг учун ҳам бу борада бевосита одамлар билан ишловчи маҳалла қўмиталари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти катта аҳамиятга эгадир. Чунки, улар жойлардаги аҳволни, ким қандай яшаётганлигини, нималар билан машғул бўлаётганлигини жуда яхши биладилар. Қолаверса, мамлакатимизда бу қуйи бошқарув органларига жуда катта ваколатлар берилмоқда. Мазкур идоралар ана шу ҳуқуқлардан фойдаланишни ўрганишлари лозим.

Биринчи масала юзасидан музокарада сўзга чиққан вилоят прокурори, катта адлия маслаҳатчиси Орифжон Холматов, вилоят ҳокимининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича ўринбосари Сайёра Хўжаева, Бўка тумани ички ишлар бўлими бошлиғи Темирпўлат Раимов, Бекобод шаҳар ҳокими Жалолиддин Насриддинов, Юқоричирчиқ туманидаги «Тинчлик» фуқаролар йиғини раиси Абдужаббор Иброҳимовлар жиноятчиликнинг олдини олишда ҳамкорликни кучайтириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Йиғилишда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ишини мувофиқлаштирувчи Кенгаши аъзоларининг янги таркиби тасдиқланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан маъруза қилган вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Эргаш Холматов республика Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг янги таҳрири лойиҳасининг асосий мазмун ва моҳияти тўғрисида гапирди.

Йиғилишда мазкур қонун келажакда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишини такомиллаштиришда жуда катта ҳуқуқий ваколатлар ва имкониятлар беражаклиги таъкидланди.

Ушбу масала юзасидан сўз олган вилоят молия бошқармаси бошлиғи Мухтор Қаюмов ва қатор фуқаролар йиғинлари раҳбарлари янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов вилоят фаоллари йиғилишига якун ясар экан, кун тартибида кўрилган масалалар ғоятда муҳим эканлигини, ҳар бир фуқаро мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш учун курашиши, қонунларнинг ижроси ҳақида қайғуриши, онгли равишда ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши лозимлигини таъкидлади. Биз, деди у, жумладан, ҳар бир мажлисдан хулоса чиқаришга, воқеаларни таҳлил этишга ишимизга танқидий кўз билан қараб, келгусидаги режаларни шу асосда тўлиқ бажаришга ўрганишимиз керак. Вазифа битта — қонунни тан олиш, қонунга бўйсуниш, белгиланган ишларни бажаришдан иборатдир. Буни фақат омма билан биргаликда, жамоатчилик билан бамаслаҳат амалга ошириш мумкин.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

ҲОКИМЛАР ЎҚУВИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида раҳбар кадрлар учун ўтказилган семинарнинг дастлабки гуруҳида машғулотлар тугади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 11 январдаги қарорига мувофиқ, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари ўн кун давомида «Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигини чуқур ислоҳ қилиш» ўқув курси бўйича лекцияларни тингладилар.

ИҚТИСОДИЙ САМАРА — АСОСИЙ МЕЗОН

ҚИШЛОҚ ВА ИСЛОҲОТ

ҚИБРАЙ тумани асосан сабзавотчилик, боғдорчилик ва мевачиликка ихтисослашган. Шунингдек, чорвачилик ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Туман деҳқонлари ўтган йили қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида қандай ютуқларга эришдилар?

Мухбиримизнинг туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Неъматжон СОАТОВ билан суҳбати шу хусусда бўлди.

— Айтинг-чи, ўтган йил якунларидан шахсан сиз ўзингиз қониқдингизми?

— Натижалар ҳар ҳолда дуруст бўлди. Ҳар гектаридан 263 центнердан сабзавот ҳосили олинди. Ғаллачиликдан бурноғи йилга нисбатан ҳосилдорлик салкам 10 центнерданга кўпайди. Яъни 41,8 центнерни ташкил этди. Лекин узумчилик, мевачиликдаги ишлардан кўнгил тўлмади. Мевазорларнинг ҳар гектаридан бор-йўғи 38 центнердан, узумдан эса 32 центнердан хирмон кўтарилди. Тўғри, об-ҳаво бу тармоқлар учун анча ноқулай келганлигини инкор этиб бўлмайди. Бироқ, асосий айб ўзимизда деб ҳисоблайман. Кўп жойларда мевазорлар ва узумзорларга ишлов бериш ўз вақтида ўтказилмади. Натижада боғлардаги мевалар гулини тўкиб юборди. Чорвачиликда эса ҳамон «Посбон», «Эркин», «Саъдулла» номли хусусийлашган фермалар туманни орқага тортиб келмоқда.

Ҳозирги пайтда бутун фикри-ёдимиз ютуқларни мустаҳкамлаб, камчиликларнинг қайтарилишига йўл қўймасликка қаратилган.

Президентимизнинг катта бир йиғинда ғаллакорларимиз ишига берган юксак баҳоси бизни яна ҳам руҳлантирди. Эндиликда 43 центнерни мўлжаллаяпмиз. Шу мақсадда нав танлашга, агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга яна ҳам жиддий ёндошамиз. Хусусан, «Байтқўрғон» ва «Дўрмон» хўжаликларида ғалла уруғчилиги учун 45-50 гектардан майдон ажратилганлигини таъкидламоқчиман.

— Менинг билишимча, бу хўжаликларда кўпроқ четдан келтирилган уруғларни экиб, кўпайтириш борасида иш олиб борилаётган экан. Ундан кўра ўзимизнинг олимларимиз томонидан яратилган уруғларни кўпайтириш маъқул эмасми?

— Биз бу ҳақда ҳам ўйлаб кўряпмиз. Масалан, «Унумли» навини олайлик. Агар бу нав экилиб, агротехника тадбирлари маромида амалга оширилса ҳар гектаридан 60, ҳатто 70 центнердан ҳам ҳосил олиш мумкин.

Сабзавот режасини бажардигу, бироқ, ҳосилдорлик камроқ бўлди. Бу йил 300 центнерни мўлжаллаб иш олиб бормоқдамиз. Аввало кузги шудгор сифатли ўтказилди. Асосий майдонларда эртаги сабзавотларни эртароқ экиб олиш учун ариқ олиб қўйилган. Иссиқхонага 47 килограмм карам уруғини сепган эдик. Ҳозирги кунда кўчатлар расад қилинмоқда. Энг муҳими карам етиштирилгач, уни оладиган харидорлар тайин. Кунлар сал исиши билан 50 гектар ерга карам кўчати экилади. Шундан 10 гектар майдонга плёнка тортиб қўйилади. Эртаги картошка учун керакли уруғликлар ҳам жамғариб қўйилган эди. Ҳозир саралаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

— Боғ-роғлардаги ишлар қандай бўляпти?

— Ҳаво очиқ келган кунлардан фойданиб, бу соҳада ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Уруғлик мева дарахтларига шакл бериш ишлари охирлаб қолди. Қатор оралари ҳайдалиб, фосфор ўғити солинмоқда. Катта майдонлардаги мевазорларга яхоб берилмоқда. «Қибрай», Р. Мусамуҳамедов номли боғдорчилик-узумчилик жамоа хўжаликлари меҳнаткашлари ўзларининг бир вақтлардаги шухратларини тиклаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

— Хисобот йиғилишларида асосий эътибор нимага қаратилди.

— Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб бу тадбирга янгича ёндошилди. Демоқчиманки, жамоа хўжаликлари раислари ўз маърузаларида, шунингдек, музокарада сўзга чиққанлар бир вақтлардагидек ундай қилдик, бундай қилдик, деб ҳисобот беришдан кўра бажарилган ишлар қандай иқтисодий самара берганлигини таҳлил қилишни афзал кўрдилар. Бу яхши, албатта. Ҳозирги пайтда иқтисодий самара асосий мезон, асосий ўлчов ҳисобланади. Шуни қувонч билан айтиш керакки, хўжаликлар йилни асосан соф даромад билан якунладилар. Бу — қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш соҳасида олиб борилаётган улкан ишларнинг натижасидир. Бу — меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари: оила пудрати, ижара, ширкат усуллари тобора такомиллашиб бораётганлигининг мевасидир.

— Кўклам экиш мавсуми ҳам яқинлашиб қолди...

— Аҳолини беғубор, сифатли сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш ҳар бир деҳқоннинг, қишлоқ аҳлининг меҳнати мазмунини белгилайди. Икки-уч йилдирки, биз, шу мақсадда кўпроқ маҳаллий ўғитдан фойдаланишга жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Бу йил ҳам ўзимизча кам деганда 50 минг тонна маҳаллий ўғит тўплашни режа қилгандик. Ҳозиргача ана шу режа ҳисобидан 30 минг тоннаси дала бошларига олиб чиқиб қўйилди. Ариқ-зовурларни тозалаш ҳам ниҳоясига етказилмоқда.

Техникалар эскириб қолди, эҳтиёт қисмлар етишмайди, деб нолишдан фойда йўқлигини яхши биламиз. Шунинг учун бор техникалардан мумкин қадар унумли фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилянти. Ҳар ҳафтада бир маротаба хўжалик раҳбарлари, мутахассислари иштирокида тумандаги битта хўжалик мисолида техникаларнинг аҳволи-ю, тайёргарлиги қандайлиги ўрганиб чиқилади. Яхши тажрибалар қайд қилинади. Муаммоларни ечиш учун биргаликда, бамаслаҳат иш кўрилади. Бу яхши самара бермоқда. Бор техникаларнинг 60-70 фоизи мавсумга шай қилиб қўйилди. Қисқаси, қибрайликлар ҳар бир тармоқда туб бурилишга эришиш йўлидан бормоқдалар.

Сухбатдан англадимки, янги ҳосилга тамал тоши шунчаки қўйилмаяпти. Соҳалар, тармоқлардаги иш якуни таҳлили жараёнидан келиб чиқадиган хулосалар асосида замин яратиляпти.

Заминнинг мустаҳкамлиги эса эришилажак ютуқлар учун ишончли омилдир.

Носир РИХСИЕВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ОНАЛАРНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

ВИЛОЯТ «Камолот» жамғармаси ёшларнинг маънавий тарбиясига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бу мақсадда саноат корхоналари, хўжаликлар, ташкилотларда ўтаётган турли мавзулардаги тадбирлар ҳамиша қизиқарли, таъсирчан бўлмоқда.

Куни кеча жамғарма ўзининг Тошкент тумани бўлими билан ҳамкорликда яна бир файзли давра ташкил этди. «Оналарни шарафлаймиз» деб аталган бу баҳс кечасида тумандаги «Агробизнес» ва «Бизнес» коллежлари талабалари беллашдилар. Танлов шартларига кўра энг яхши қўшиқ, амалий санъат, нотиқлик қобилияти, оиланда аёл ўрни, пазандалик, уй-рўзғор юритиш бўйича маҳоратлар намойиш этилган бу кўрикда «Агробизнес»чилар ғолиб чиқишди.

Кеча сўнггида ҳар иккала команда ҳам «Камолот»нинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Жўра МАҲМУДОВ.

ЯХШИ ХИЗМАТГА — СОВРИН

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ҳунар таълими халқаро жамғармаси таниқли олим А. Неболсин номи билан бутун дунёга машҳур. Ўн йиллик фаолияти давомида юздан ортиқ таниқли кишилар шу жамғарма мукофоти совриндорлари бўлишди. Улар орасида Канада, Франция каби йирик давлатларнинг олим, ёзувчи ва ўқитувчилари ҳам бор.

Неболсин жамғармасининг 1998 йилги мукофотига Ўзбекистондан ҳам илк бор номзодлар кўрсатилган эди. Буларнинг аксарияти шу нуфузли халқаро жамғарманинг мукофотларига сазовор бўлишди.

Ўрта махсус, касб таълими республика маркази раиси Р. Жўраев, ўрта махсус касб таълими тараққиёти институти директори Ҳ. Рашидов, Тошкент вилояти ўрта махсус, касб таълими бошқармаси бошлиғи А. Йўлдошев ва бошқаларга мукофот совриндорлари сифатида диплом ҳамда мукофот кўкрак нишонлари топширилди.

Улар бундай шарафни Марказий Осиё республикалари орасида биринчи бўлиб қўлга киритдилар.

Али АКБАРОВ.

АЪЗО БЎЛМОҚЧИМИСИЗ, МАРҲАМАТ!

АНГРЕН шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзолари йил сайин кўпайиб бормоқда. Ҳозирга келиб улар сафидаги жисмоний шахслар сони 2000тага, юридик шахслар эса 400тага етди.

Палата уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириишга, янгиларини йўлга қўйишга катта эътибор бермоқда. Шу бўис қисқа муддат ичида ишбилармонларга 500 минг сўмлик маркетинг хизмати, 300 минг сўмлик консалтинг хизмати кўрсатилди. Ўнга яқин мутахассислар тадбиркорлик тузилмаларининг ҳужжатларини тайёрлашда кўмаклашмоқда. Яқинда палата ҳузурида текширишларни мувофиқлаштириш маркази ташкил этилди. Ахборот маркази фаол ишлаб, тадбиркорларни қизиктирган маълумотлар билан таъминламоқда. Мулкдорларга кўрсатилаётган бепул хизмат турлари юздан ошиб кетди.

Собир ҲАМИДОВ.

ҲАМ ЗИЁРАТ, ҲАМ САЁҲАТ

ЎРТАЧИРЧИҚ туманилик бир гуруҳ фаоллар Самарқанд сафарида бўлиб қайтишди.

ТУМАН ҳокимлигининг ташаббуси ва ташкилотчилигида уюштирилган ушбу саёҳатга 200 нафар энг фаол аёллар, тажрибали деҳқонлар, қариялар, ижтимоий соҳа ходимлари таклиф этилди. Саёҳат қатнашчилари буюк бобокалонимиз, Ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийнинг табаррук номини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган ёдгорлик мажмуини катта қизиқиш билан зиёрат қилдилар.

Зиёратгоҳда икки юз кишилик дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Ал-Бухорий ҳазратлари руҳи покларига атаб Қуръон тиловат қилиниб, дуои фотиҳаларн ўқилди.

Шунингдек, саёҳатчилар кўҳна Самарқанд шаҳридаги бошқа диққатга сазовор обидаю кошоналарни ҳам томоша қилиб қайтдилар.

Самад ЙЎЛДОШ.

БАҲОР БАЙРАМИГА ТАРАДДУД

ЮРТИМИЗДА баҳор байрами — Наврўзга тайёргарлик бошлаб юборилди.

Бўка тумани ҳокимлиги ҳам бу борадаги тадбирларни белгилади. Байрам арафасида туман марказида замонавий «Бахт уйи», автошохбекат ҳудудида маиший хизмат мажмуи, «Паркент» хўжалигида 320 ўринли янги мактаб ва бошқа иншоотлар ишга тушади. Энг асосийси — «Паркент», Хўжақўрғон, Ғаффор Азаматов, Навоий номидаги хўжаликлар ҳудудида газлаштириш ишлари ниҳоясига етказилади. Натижада еттиюзга яқин хонадон бекалари «зангори олов»дан баҳраманд бўлади.

Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.

ОМИЛКОР РАҲБАР ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ

ҚУЙИЧИРЧИҚ туманидаги Навоий номли халқ корпорацияси шоличиликка ихтисослашган. Шунинг учунми, ҳосилдорлик муқим. Масалан, ўтган йили 54 центнер бўлди.

Хўш, ҳосилнинг юқори ва барқарорлиги фақат шоличиликка ихтисослашганликдами? Ёки бошқа омиллари борми? Биз шу масаланинг тагига етиш учун хўжаликнинг кейинги йиллардаги фаолияти билан танишдик, раис билан эринмай, обдон суҳбатлашдик. Пировард хулосамиз шундай бўлди: ихтисослашиш ўз йўлига, бироқ хўжаликда иш тутуми пухта, раҳбар ҳар соҳада ташкилотчи. Бу ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларда манаман, деб турибди.

Келинг, гапни бир бошдан бошлайлик. Хўжаликда республика ҳукуматининг қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш яъни деҳқончасига айтганда бевосита далада ишлаётганлар сонини камайтириб, уларни бошқа соҳаларга ишга ўтказишга қаратилган аграр сиёсати аста-секин амалга оширилмоқда. Чунончи, деҳқончилик қилинадиган қарийб 2500 гектар ерда илгари 1200 киши ишлаб келган бўлса, энди 340 киши бемалол эплаяпти. Қолганлар бошқа соҳаларда, масалан шлакоблок қуйиш, тахтаёғочни қайта ишлаб, эшикдераза ромлари тайёрлаш цехларида, хўжалик ва хонадонлар буюртмаларини бажарувчи иккита қурилиш бригадасида, корпорациянинг қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш устахонасида ишламоқда.

Дарвоқе, корпорация ўзи учун етарли техника воситалари ва машина-механизмларига эга, МТПларнинг хизматига муҳтож эмас. Ҳар йили шоли ҳосили йиғиштириб олиниши биланоқ, ҳамма ҳайдов тракторлари ишга солиниб, кузги шудгор барвақт тугалланади. Шолига ўроқ тушганда эса, аввалдан шай қилиб қўйилган «Кейс» ва «Енисей»лар «тил»га киради. Ҳозир хўжаликда «Кейс»нинг ўзидан олтита.

Давлатимиз раҳбари вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида уруғчилик билан шуғулланиш масаласига алоҳида тўхталиб, эртапишар ва серҳосил янги навларни яратиш ва деҳқонларга етказиб бериш борасидаги ишлар мутлақо қониқарсиз эканлигини таъкидлади. Корпорация раҳбарлари эса бу масалага ижодий ёндашиб, мавжуд шоли навларидан ҳар йили муқим ҳосил олишга эришмоқдалар. Аммо бу даражага етишиш учун улар кўп изландилар. Чунончи, шолининг «Лазур», «Аланга», «Интенсив» навлари синчковлик билан синовдан ўтказилди. Эртапишарлиги, гуручининг таъми жиҳатидан бу навлар чакки эмас. Аммо энг керакли масала яъни ҳосилдорлик жиҳатидан хўжалик раҳбарларига маъқул келмади. Тўғрида, меҳнат қилишдан мақсад

Бу ҳақда вилоят Кенгаши сессиясида гапирилган эди

— кўнгилдагидек даромадга эга бўлиш. Даромаднинг салмоғини эса ҳосилнинг чўғи белгилайди.

— Хуллас, обдон синаб кўрганимиздан сўнг ниҳоят бир тўхтамга келдик, — дейди бошқарув раиси Турсунхўжа Искандаров. — Мана, кейинги йилларда фақат «Авангард» ва «Узрос-7-13» навларини экяпмиз. Нав танлашда янглишмаганлигимиз учун ҳар йили омборларимиз шолига тулаяпти, даромадларимиз салмоқли бўлаяпти.

Хўжаликда фақат «Авангард» ва «Узрос-7-13» навлари экилаётганининг «сири» шундаки, уларнинг бири эртапишар, иккинчиси серҳосил. Масалан, «Авангард» нави 115-120 кунда пишади. Бироқ пояси бўшроқ, об-ҳаво сал ноқулай келса, ётиб қолиши мумкин. «Узрос-7-13» навининг ҳосили эса 140-145 кунда етилади. Жуда ҳосилдор — 80-90 центнергача боради. Пояси мустаҳкам, ётиб қолмайди. Гуручи мазали.

Шолига мўлжалланган ернинг учдан бир қисмига яъни 600-700 гектарига ҳар йили «Авангард», учдан икки қисмига эса «Узрос-7-13» экилади. Сабаби шундаки, «Авангард» эрта пишиб етилгач, комбайнлар ишга тушади. Бу ҳосил ўриб-янчиб олингунча, «Узрос-7-13» ҳам обдон етилади. Шундай қилиб, шоли кетма-кет пишаверади ва пешма-пеш саранжомлаб олинади.

Лекин нав тўғри танланганлиги асосий омил эмас. Гап шундаки, бир неча йилдан бери хўжалик ўзи учун керакли уруғликни ўзи етиштиряпти. Бунинг учун қуйидаги тартибга амал қилинади. Ҳар йили шоличилик илмий тадқиқот институтидан 20 тонна элита уруғлик олинади. У юз гектар ерга етади. Шунча майдондаги шолида кузга бориб 400 тонна биринчи репродукция уруғ чиқади. Хўжалик учун эса йилига 500 тонна уруғлик шоли керак бўлади. Кўриниб турибдики, ҳар йили асосий майдонга яъни 2000 гектар ерга биринчи репродукция уруғлик сепилади. Қолган ернинг юз гектарига элита ва фақат 200 гектарга иккинчи репродукция уруғ тушади. Шу миқдор ҳар йили бирдек, такрорланавераді. Демак, асосан юқори репродукция уруғ экилаётгани учун хўжаликда ҳосилдорлик муқим ва юқори. Масалан, ўтган мавсумда ўртача ҳосилдорлик 54 центнерга тўғри келди. Гербицидни вақтида сепиб, бегона ўтларнинг ривожланиб кетишига йўл қўймаган айрим бригадаларда эса 80-90 центнерга етди.

Шуниси муҳимки, бу хўжаликда дала меҳнаткашларининг ойлик иш ҳақлари ҳам муқим. Негаки, хўжаликнинг даромади тайин. Масалан, 1998 йилги умумий даромади 340 миллион сўмдан ошиб кетди. Соф фойда ҳам унча-мунча одам ишонмайдиган даражада — 108 миллион сўм. Бунгача ҳам хўжаликнинг «Баллабанк»даги ҳисоб рақамида 80 миллион сўмдан кўпроқ пули бор эди. Шундай бўлгач, корпорация аъзоларининг ойлик маошлари тайин эканлиги табиий ҳолдир. Ҳатто, ҳар сафар иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни ошириш тўғрисида Президент Фармони эълон қилинганда бу хўжаликда ҳам ойлик маош албатта оширилади. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун аниқ мисол келтиришимиз мумкин. 1998 йилнинг 1 июлигача хўжалик аъзолари февраль ойидан бошлаб ўртача 2500-3200 сўмдан, 1 июлдан эса 4300-5500 сўмдан маош олдилар.

Дарвоқе, бу хўжалик шоликорларининг жами даромади эмас, албатта. Чунки, корпорация билан улар ўртасида тузилган шартномада ҳосилдорлик 45 центнер қилиб белгиланади. Шундан ошгани эса шоликорнинг ўзиники. Ҳаммасини жамлаб ҳисоблайдиган бўлсак, хўжалик бўйича оддий шоликорнинг ўртача ойлик даромади 30 минг сўмдан кам бўлмайди. Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, агар далада ҳозир ҳам илгаригидек 1200 киши ишлаётган бўлганида бу даромад 8 минг сўмдан ошмасди. Демак, Президентнинг қишлоқ хўжалигида банд бўлган одамларнинг асосий қисмини аста-секин бошқа соҳаларга ўтказиш ҳақида қайғураётганлиги бежиз эмас, албатта.

— Биз Юртбошимиз белгилаб берган бешта асосий тамойилдан бири — кучли ижтимоий ҳимоя масаласига ҳам оғишмай амал қилмоқдамиз, — дейди раис. — 400 дан зиёд пенсионеримиз бор. Уларга ҳар йили 100 килодан бепул шоли тарқатамиз. Ўқитувчи ва шифокорларимизга эса таннарх, яъни энг арзон нархда сотамиз. Бу ҳам катта иқтисодий ёрдам, албатта.

Раис билан суҳбатимиз чоғида «Э-э, омилкор раҳбар осмондан тушармиди» деб қолди у. Кейин ҳукумат, айниқса, Президент олиб бораётган аграр сиёсат туфайли қишлоқ хўжалигидаги раҳбарлар учун ўз салоҳиятини намоён этиш, қўлидан нима келишини амалда кўрсатиш имконияти туғилганлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди. Унинг сўзларини эшитиб туриб, ҳаёлимга шундай фикр келди: «Ҳақиқатан ҳам шундай. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган кўплаб қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси оддий деҳқондан тортиб то раҳбаргача ҳар томонлама эркинлик беради, ҳуқуқларини кенгайтиради. Буни тушуниб, амал қилиб, жон қуйдириб ишлаётган раҳбарлар режани пухта олиб, мақсадга эришяптилар, хўжаликларини иқтисодий таназзулдан олиб чиқяптилар. Турсунхўжа Искандаровнинг ўзи бунга яққол мисолдир.

Самад ЙЎЛДОШ.

1999 йил — Аёллар йили

БОРМИСИЗ, ОМОНМИСИЗ...

АЁЛ... Бу сўз тилга олинганда ҳар қандай инсоннинг кўз ўнгида, аввало, ўз онасининг меҳрибон қиёфаси, оиласи, фарзандлари учун куйди-пишди бўлган мукаррама бир зотнинг нурли чеҳраси намоён бўлади. Ҳа, оламнинг бутунлиги Оналарнинг борлигидан, хонадоннинг файзи Аёлнинг омонлигидан... Одамнинг одамга оқибати, ватанга муҳаббати, дўсту-ёрга садоқати, аввало, оналарга бўлган эътибор ва эҳтиромдан бошланади. Инсон учун ғамхўрлик давлатнинг бош сиёсати қилиб белгиланган мустақил юртимизда 1999 йилнинг Аёллар йили деб эълон қилинишида ҳам ана шундай улуғ ният, меҳр ва муҳаббат маъноси мужассам.

Ҳамма жойда бўлгани каби вилоятимизда ҳам аёлларни эъзозлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини ўстиришга қаратилган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Қуйичирчиқ туманида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Аёлларимиз — ифтихоримиз» мавзуидаги учрашув ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Унга туманда ўз меҳнати, жамоат ишларидаги фаоллиги билан танилган, эндиликда нафақада бўлган бир гуруҳ онахонлар таклиф этилдилар.

Тўкин дастурхон атрофида бугунги кунда аёлларнинг оила ва жамият олдидаги ўрни ва вазифаси ҳақида қизғин суҳбатлар бўлиб ўтди. Тажрибалар, таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Меҳмонларнинг ширин суҳбатларига туман маданият уйи бадиий ҳаваскорларининг дилрабо қўйқўшиқлари янада файз киритди.

Қизиқарли ва фойдали ўтган тадбир сўнгида учрашув иштирокчиларига туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

З. ЭРАЛИЕВА.

СУРАТДА: учрашувдан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ХЎЖАЛИК СУДИ:

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР ВА МУАММОЛАР

МАМЛАКАТИМИЗ мустақиллигини, унинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини яратишда судларнинг, жумладан хўжалик судларининг ҳам ўз ўрни бор. Ўтган етти йил хўжалик судлари учун том маънода ташкил топиш, тажрибаларни ўрганиш даври бўлди. Шу билан бирга сохада айрим муаммолар борлиги ҳам кўзга ташланиб қолди. Мухбиримиз Тошкент вилоят хўжалик суди раиси Мухторжон Собиров билан шулар ҳақида суҳбатлашди:

— Хўжалик судлари бугунги кунда ҳар қандай мураккаб низоларни ҳам хал этишга, ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажаришга қодир. Рақамларга мурожаат киладиган бўлсак, 1998 йилда Тошкент вилояти хўжалик судида 1461та хўжалик иши қурилди. Бу ишлар бўйича даъвогарларга 14 миллион 168 минг 650 сўм ундириб берилди.

Хўжалик судида кўрилаётган ишларнинг тури ҳам кўпайди. Улар олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, ижара, пудрат, юк ташиш, қарз, кредит, мулкни сақлаш, мулк ҳуқуқи, хусусийлаштириш, ердан фойдаланиш каби масалалардир.

Йил давомида вилоят хўжалик судида иқтисодий ночор корхоналарни банкрот деб эътироф этиш ҳақидаги 26та иш кўрилиб, улардан 22таси юзасидан ҳал қилув қарорлари чиқарилди. 3та корхонани банкрот деб, эътироф этиш рад қилинди. 19та корхона банкрот деб эътироф этилди. Бу қарорлардан 16таси қонуний кучга кирди ва корхоналарни тугатиш ишлари нихоясига етяпти.

— Мухторжон Собирович, Президентимизнинг «хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисидаги Фармонида етказилган мулкий зарарни айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан қоплаш юзасидан аниқ чоралар кўриш лозимлиги кўрсатилган. Бу борадаги вазифалар қандай бажариляпти?

— Корхоналарнинг банкротлик даражасига тушиб қолишига, шартнома мажбуриятларини бажармасликда айбдор бўлган 11 раҳбарга нисбатан 10та жиноят иши қўзғатилди, битта иш юзасидан тергов ҳаракатлари тугалланиб судга юборилди, саккизта иш юзасидан эса тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Раҳбарлар орасида маъмурий жавобгарликка тортилганлари ҳам бор. Ўз корхонасига моддий зарар етказган раҳбарлардан шу корхоналар фойдасига 45 минг сўм ундирилди ва 18та раҳбарни интизомий жазога тортиш ҳақида тақдимномалар киритилди.

Шу ўринда масаланинг муҳим бир томонига эътибор бериш ўринлидир. Мақсад корхона раҳбарларини жавобгарликка тортиш эмас, албатта. Шу билан бирга раҳбарнинг хатоси, ўз манфаатини ўйлаб босган нотўғри қадами шу корхонада меҳнат қилаётган ва раҳбарга ишонган ходимлар манфаатига зарар келтириши, таъбир жоиз бўлса, жамоа мулкига хиёнат эканлигини унутмаслигимиз керак.

— Иш бор жойда камчилик ва муаммолар бўлиши табиий, шундай эмасми?

— Тўғри, фаолиятимиз бундан ҳам самаралироқ бўлиши, мумкин эди. Аммо малакали кадрлар масаласи кун тартибида муаммо бўлиб турибди. Аслини олганда суд қарорларининг ижроси фаолиятимиз асосини ташкил этади. Умумий судларда суд ижрочилари туман шаҳар судлари таркибида бўлиб, ҳар бир судьяга биттадан ижрочи тўғри келади ва улар суднинг қарорини битта туман ҳудудида ижро этади.

Масалан, Тошкент вилоятидаги умумий судларда 60та суд ижрочиси бўлиб, бу ўртача ҳар бир туман ва шаҳарга ўртадан тўғри келади. Энди вилоят хўжалик судида эса бор-йўғи учта суд ижрочиси бор ва улар хўжалик суди қарорларини бутун вилоят ҳудудида ижро қилишлари керак. Маълумки бизда ҳозирча туман шаҳар судлари йўқ. Бундан ташқари вилоят туман шаҳарлари орасидаги масофани ҳам ҳисобга олиш зарур.

Бу ҳолатни меҳнат вазирлигидаги масъул ходимларга тушунтиришга ҳаракат қилдик. Лекин улар эски даврдаги штатлар жадвалини важ қилишиб, умумий сўзлардан нарига ўтишмаяпти.

Яна бир муҳим муаммо, бу суд мажлиси котиблари муаммосидир. Хўжалик процессуал кодексига асосан хўжалик судларида иш кўришда суд мажлиси баённомаси юритилиши шарт. Лекин хўжалик судларининг штатида бирорта суд мажлиси котиби йўқ. Бундай аҳволда судья мажлисни бошқариш, тарафлар вакилларининг важларини диққат билан эшитиш, ишдаги ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, бир вақтда суд мажлиси баённомасини ҳам юритиш, суд қарори нусхасини тарафларга жўнатиш ва уларнинг рўйхатини тузиш каби ишларни ҳам бажаришга мажбур бўляпти.

Буларнинг барчаси ишларни кўриш муддати ва сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Устигаустак ходимларимизнинг барчасини ҳам бугунги кун талаби даражасида малакали деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам баъзи соҳаларда эътиборсизлик ва сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Шундай бўлсада, Тошкент вилоят Хўжалик суди жамоаси ўзига юклатилган вазифаларни тўла бажариш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмоқда.

Суҳбатдош Пўлат НИШОНОВ.

ТАРИХИМИЗНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган довюрак курашчи, миллий қаҳрамон, жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирган Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги мамлакатимизда бу йил кенг нишонланади. Ҳозир жойларда ана шу кутлуғ санага кизғин тайёргарлик олиб борилмоқда.

Қарорда юбилей тантаналарига ҳозирлик кўриш юзасидан тегишли муассаса, идора ва ташкилотларга аниқ топшириқлар белгилаб берилган эди. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар Академияси, илмий-ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари ва «Олтин мерос» жамғармаси билан биргаликда Жалолиддин Мангубердининг Ўрта Осиёда тутган ўрнини холис ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича дастур ишлаб чиқиб, амалга ошириши кўрсатиб ўтилганди.

Фанлар Академиясида ана шу масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Академия тизимидаги тарих, Шарқшунослик институтлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, халқаро «Олтин Мерос» жамғармаси раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Белгиланган вазифа юзасидан умумий дастур мажмуини яратиш режаси ишлаб чиқилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар бобокалонимиз сиймосининг буюклигини, унинг ўн йил давомида хукм сурган империяси амалга оширган ишларни, давлатининг тамойилларини, улуғ лашкарбоши ўз олдига қўйган вазифаларию мақсадларини, қадимги давлатчилигимиз нақадар қудратга эга бўлганини кўрсатувчи фактларни кенг тарғиб этиш лозимлигини таъкидладилар. Бу материалларни хорижий тилларга таржима қилиб кенг жамоатчилик оммасини хабардор этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Б. МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ

Ўн бир йил мобайнида «ТЕЛЕКОМ» хусусий компанияси Японияннинг энг катта телерадиокорпорацияларидан ҳисобланган NHKнинг буюртмасига биноан «Дунё билан поезд деразасидан таниш» кундалик оммабоп эшиттиришни ишлаб чиқмоқда. Бу муддат ичида унинг яратувчилари Япония телетомошабинларига дунёнинг кўпгина мамлакатлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Айни кунларда эфирга Ўзбекистонга бағишланган қисмлари узатилмоқда.

Поезд деразасидан нимани ҳам кўриш мумкин, деб ўйлайсан киши? Лекин Японияда энг оммабоп телеэшиттиришлардан бири ҳисобланган «Дунё билан поезд деразасидан таниш» муаллифлари фикрича поездда саёҳат қилиш бизни ўраб турган ҳақиқатнинг энг кутилмаган томонлари билан танишиш, қолаверса, ҳамроҳлар билан муомалада бўлиш имконини беради. Эшиттириш муаллифлари тасаввурида поезд ва унинг йўловчилари ўзгача бир кичик олам, вагон деразаси ортида эса ўзига хос бошқа бир олам.

Ҳар бир эшиттириш олти дақиқадан ортиқ бўлмаган муддат ичида узатилади, унинг ярмиси рекламага ажратилган, экран вақтининг қолган уч дақиқасида тележурналистлар, эътироф этиш керакки, муваффақиятли равишда бир мавзуни, хоҳ шаҳар ёки меъморчилик обидаси, хоҳ воқеа ёки халқ анъанаси бўлсин, ёритишга интилишмоқда.

Шу кунларда оммабоп дастур доирасида Ўзбекистонга бағишланган телеэшиттириш серияларининг намойиши бошланди. Ушбу кўп серияли эшиттириш муаллифлари ўтган йилнинг кузида мамлакатимиз бўйлаб икки ҳафта мобайнида поездларда сайр қилишган эди. Суратга олиш гуруҳи сафардан қайтгач «Жаҳон» агентлиги мухбири дастур бош продюсери Йасаматсу хоним билан учрашди.

— Мамлакатингиз менда катта таъссурот қолдирди, — деди Йасаматсу-сан. Меҳмондўст ўзбек ерида яшайдиган ажойиб ва меҳмоннавоз инсонларни айтмайсизми! Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига эса шайдо бўлиб қолдим. Бу шаҳарлар гўё бир эртак, уларни ўнгимда кўриш менга ҳам насиб этди. Ўз сюжетларимизда диёрингиз жамоли ва бойлигини акс эттиришга ҳаракат қиламиз. Истардикки, телетомошабинлар ҳам биз Ўзбекистонда ҳис этган туйғуларни ҳис этишсин.

Ҳақиқатан ҳам, намойиш этишга режаланган йигирмата эшиттиришнинг дастлабкилари Япония томошабинларини бефарқ қолдирмади. Эҳтимол уларда тележурналистлар поезд деразасидан заминимизда кўрган ҳамма нарсага хайрихоҳлик ва холис қизиқишлари ҳис этилгани учун ҳамдир.

Музаффар ЗОҲИДОВ, «Жаҳон» АА мухбири. Токио.

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Республика ёшлари «Камолот» жамғармаси Президентимиз Ислом Каримовнинг «Кучли давлатдан кучли жамият сари» китобини, унга илова сифатида чиқарилган «Жамиятни ислоҳ қилиш йўлида» тўпламини ўрганишга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг ушбу асарлари катта ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий аҳамиятга эга эканини алоҳида уқтирдилар. Зеро, уларда Юртбошимизнинг жамоат ташкилотларини янада ривожлантиришда муҳим назарий-амалий аҳамиятга молик фикр-мулоҳазалари, йўл-йўриқ ва тавсиялари жамланган. Адолатли, демократик жамият барпо этишнинг ҳозирги босқичида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш ҳамда уларнинг кенг қўламли ислоҳотлардаги иштирокини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган жамоат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратилган.

Йиғилишда мазкур китоблар жамоат ташкилотлари раҳбарлари, фаоллари, сиёсатшунос-олимлар ва мутахассислар учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

(ЎзА).

Фидойи инсонлар

АДОЛАТНИНГ ТАРОЗИСИ БОРДИР ҚЎЛИДА

ДЕҲҚОННИНГ бойиши, даромади, демакки, турмуш даражасининг қандай бўлиши у етиштираётган маҳсулотнинг миқдори, килограмму тонналарига эмас, сифатига ҳам боғлиқдир. Бу оддий ҳақиқатни Қурбон ака Қаюмов ўз ҳамкасблари даврасида, дала меҳнаткашлари билан учрашганда кўп қайтаради, таъкидлайди.

Йўқ, у бу гапни шунчаки, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида маҳсулотларни харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат нозири бўлиб ишлаётганлиги учун эмас, балки, бу талаб ҳозирги мураккаб бозор шароитида асосий мезон, асосий ўлчов бўлиб қолганлиги учун ҳам қайта-қайта таъкидлайди, бу масалада баҳслашиш, талашиб-тортишишдан сира эринмайди.

Дейлик, буғдой, сут, гўшт ёки сабзавот маҳсулотларини тегишли жойга етказиб бериш, топшириш, сотиш жараёнида сифати таҳлил этилганда гумонсираш ҳоллари рўй бериб қолди. Ана шундай пайтда биринчи навбатда муаммони ҳал этиш учун сифат нозирини таклиф этадилар. У лаборатория ходимлари, мутахассислари иштирокида синчиклаб текширув ўтказади. Охирги сўзни айтади. Унинг гапи гап, айтгани айтган бўлиши керак!

Бироқ, у ҳар икки томонни тенг кўриши, истеъмолчини ҳам, тайёрловчининг ҳам манфаатларига заррача зиён етказмаслиги керак. Бошқача қилиб айтганда, адолат тарозисининг икки палласини тенг ушлаши шарт. Қурбон ака ана шу ўлчовга амал қилиб, машаққатли ишни қойилмақом қилиб бажариб, истеъмолчининг ҳам, деҳқоннинг ҳам ҳурматига, иззатига сазовор бўлиб келаётир.

Очиғини айтадиган бўлсак, бу обрў, бу ҳурмат замирида жуда оғир ва машаққатли меҳнат ётади. Деҳқон оиласида таваллуд топиб, вояга етган Қурбон отаси урушда ҳалок бўлганда эндигина уч ёшга тўлганди. Ҳаёт унга жуда ёшликдан сабоқ берди, эрта вояга етказди. У 12 ёшидан бошлаб ўзини меҳнатга урди, тирикчилик пайидан бўлди. Қишлоқ хўжалик техникуминнинг ветеринария бўлимини тугаллаб, мол дўхтири ихтисослигини эгаллади. Бўстонлиқ туманида фаолият бошлади. Армия хизматидан қайтгач, вилоятда ишлади. Йигитнинг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, қишлоқ хўжалиги ишларига бўлган ҳаваси ва иштиёқини қузатиб юрган мутасаддилардан бири уни қишлоқ туманида ишлашга таклиф этди. Сифат нозири бўлиб меҳнат қила бошлади. Ана шундан буён орадан ўттиз йил ўтибди. Қурбон ака Қаюмов ўз касбини эъзозлаб, эл-юртнинг ишончини шараф билан оқлаб келмоқда.

— Ҳар куни ишни нимадан бошлайсиз, — сўрайман Қурбон акадан.

— Бир вақтлар шундай бўлганки, хонага киргач, дарҳол хўжаликлар билан боғланиб, уларда неча қанча миқдорда маҳсулот топширилди, режа бажарилдими йўқми, маълумот олишга ошиқардим. Маълумотни олиб бўлгач, уни қоғозга кўчиртириб, катта бошлиққа элтиб берардим. Бошлиқ ҳам маълумотга кўз югуртириб, ҳа, бу хўжаликда иш яхши бораётган экан, ановисининг сал мазаси йўқ, деб кўя қоларди. Лекин мустақил бўлиб, бозор шароитига ўтганимиздан сўнг бошқа соҳалардаги сингари бизнинг ҳам иш тартибимиз ва тизимимизда туб ўзгаришлар рўй берди. Ҳозир ҳам ҳар куни ишга келгач, хўжаликлардаги ишлар, аҳвол билан қизиқамиз. Бусиз мумкин эмас. Лекин маҳсулотлар сифати қанақа, халққа манзур бўлдими, йўқми, кўпроқ ана шу масалага эътибор берамиз ва таҳлил этамиз. Бошқача қилиб айтганда, миқдорга кўп ҳам маҳлиё бўлавермаймиз.

Маълумки, бугунги кунда деҳқон тайёрловчиси, истеъмолчиси тайин бўлса, шунга қараб экин экади, даромад қилади ҳам. Бунда икки томонлама тузиладиган шартноманинг аҳамияти ниҳоятда катта! Сир эмас, бир вақтлари шартномалар хўжакўрсинга тузиларди. Энди ундай қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қурбон ака ўз иш фаолиятида бу масалага ҳам жиддий эътибор беради ва шартномаларнинг тузилиши, тасдиқланишида шахсан ўзи қатнашади. Муҳими — ҳужжат қоғозда қолиб кетмаслиги, икки томон ҳам ўз бурчини садоқат билан адо этиши керак. Кимки шартномани бузса, амал қилмаса, албатта, тегишли жазо олади. Агар бир вақтлари тузилган шартномалар 50-60 фоиз бажарилган бўлса, эндиликда 80-90 фоиз бажарилмоқда. Бунда Қурбон аканинг ҳам хизмати бор. Бу хизматни деҳқонлар таъкидлайдилар, қадрлайдилар.

Қурбон ака Қаюмовнинг хайрли ишлари ҳақида яна кўп мисоллар келтириш мумкин. Баъзан оила даврасида, фарзандлари, набиралари қуршовида уларга ҳаёт сабоқларидан дарс берар экан, доимо «тўғри, ҳалол бўлинглар, агар ҳалол бўлсанглар, давлатнинг орқасидан қидириб юрмайсанлар, давлат сенларнинг орқангдан қидириб юради» деб насиҳат қиладилар.

Ёши олтмишга борган Қурбон ака Қаюмовнинг онгли ҳаёти йўли бу фалсафасининг нақадар ҳаётийлигини тасдиқлайди.

Носир РИХСИЕВ. Тошкент тумани.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ!

Воқеалар шуҳ линида

● АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ Мадлен Олбрайт хоним уч кунлик сафар билан Москвада бўлди. У Россиянинг юқори мартабали арбоблари билан Ироқ, Косово ҳамда Эрон масалаларига доир муаммоларни муҳокама қилди. М. Олбрайт 28 ва 29 январь кунлари Лондон ҳамда Парижга ташриф буюрди.

● ГРУЗИЯ Миллий Демократик партияси раҳбари, парламент депутати Ирина Саришвили-Чантурия 2000-йилда бўладиган президент сайловларида ўз номзодини қўйишга қарор қилди. И. Саришвили-Чантурия мазкур мамлакат тарихида президентликка даъвогарлик қилаётган биринчи аёлдир.

● ИТАЛИЯ президенти Оскар Луис Скальфаро Украинага расмий ташриф билан келди.

● ОЗАРБАЙЖОН тарихида биринчи марта аҳолини рўйхатга олиш тадбири бошланди.

● АҚШнинг собиқ вице-президенти, консерватив республикачи Дэн Куэл 2000 йилги президентлик сайловларида ўз номзодини қўйиш ниятида эканлигини билдирди.

● АРМАНИСТОН, Болгария, Кипр, Россия, Словения ва Украина вакиллари Кора денгиз тубидан 1,5 минг километрлик оптик кабелни ётқизиш жараёнларини акс эттирувчи битимга имзо чекдилар.

● МЕКСИКА собиқ президенти Карлос Салинас де-Гортарининг акаси Раул Салинас де-Гортари 1994 йилда мамлакатда ҳукмрон бўлган Инқилобий партиянинг бош котиби Хосе Руис Масьюни ўлдиришда иштирок этганлиги учун 52 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилди.

● БИР ГУРУҲ лиссабонлик адлия ходимлари Индонезиянинг собиқ президенти Сухартони Португалия ҳукуматига топшириш ва кейин унинг устидан шу ерда суд ўтказиш талаби билан мамлакат бош прокуратурасига мурожаат қилиш ниятидалар. Сухарто ҳукмронлик йилларида Португалиянинг собиқ мустамлакаси Шарқий Тимор ороли аҳолисини қатағон қилишликда айбланмоқда.

ҲАМ ТЕЗ, ҲАМ ХАВФСИЗ

ТИББИЁТ тарихида аёлларнинг кўз ёриши жараёнига тааллуқли кўпгина гапларни эшитганмиз. Зотан, халқда «Бир туғиш — бир ўлим билан баробардир», деган нақл бор. Ана шундай қийин кечадиган онларни, соатларни хавфсиз ўтказиш, қоларверса, ажал ёқасига бориб қолган онани, эндигина ёруғ дунёга келиш тараддудига тушган чақалоқни омон-эсон сақлаб қолишнинг ўзи бўлмайди. Шу маънода сўнгги йилларда республикамиз шифокорлари хориждлик ҳамкасблари билан бу борадаги алоқаларни такомиллаштириш учун тиғиз ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Исроиллик доктор Михаил Штаркнинг яқинда Ўзбекистонга ташриф буюриб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашганлиги ҳам юқоридаги ҳайрли мақсадларга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтида исроиллик доктор ўз касбдошларига «кесарев операцияси» деб аталган жарроҳликнинг ўта замонавий услубларини ўргатди. Ташриф давомида фақат Тошкентдагина эмас, балки, Самарқанд ва Бухорода ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Зотан, Тиббиёт доктори, Мисгав-Ладах шифохонаси бош ҳакими М. Штарк табиий туғилиш, она ва боланинг ҳаёти хавф остида қолган пайтлардагина қилиниши зарур бўлган қорин кесиш операциясининг ҳозирги пайтдаги энг кўзга кўринган намоёндаси ҳисобланади.

— Бу жараён ўнчалик қийин эмас, — дейди мутахассис, — мен ўз ғоямни ҳозирги пайтда мавжуд бўлган энг илғор технологияларга таянган ҳолда вужудга келтирдим. Мен кесарев қилишнинг қатор анъанавий босқичларини йўқ қилишга

Ўзбекистон ва жаҳон

муяссар бўлдим. Бундай ҳолат жарроҳлик давомийлигини жуда ҳам қисқартиришга имкон берди. Эндиликда операциялар аввалги бир-икки соат ўрнига саккиз-ўн беш дақиқа давом этади. Бу ўз навбатида анестезия муддатини қисқартиради. Оқибатда қон кам йўқотилади, чоқлар сони саноқлигина бўлади. Операциядан сўнг бемор дарров оғриқлардан деярли қутилади. Шу боис оғриқ қолдирувчи дориларга кам мурожаат қилинади. Тўқималарнинг газак олиши таваккалчилиги меёрга келтирилади. Чунки, антибиотикларга ҳалқаро қарорга кўра, ўнчалик заруратсиз ишлатилмаслиги лозим. Баданнинг табиий фаолияти тезда ўз ҳолига келади.

Тақдир М. Штаркка рўбарў қилган онанинг гапларини эшитинг: «Ҳаммаси шунчалик тез бўлдики, икки дақиқалардан сўнг мен фарзандимнинг йиғисини эшитдим. Юрагим қувончдан отилиб чиқиб кетаёзди. Бу менинг иккинчи марта кесарев усули билан болалик бўлишим эди. Биринчи бор операция АҚШда ўтказилганди. Мен инфузияга ўлганим учун икки кун давомида на ичишим, на ейишим мумкин эмас эди. Бир ҳафта давомида мен ўрнимдан турмасдан ётишга мажбур бўлдим. Бу гал Мисгав-Ладахда тамомила ўзгача воқеага дуч келдим. Операциядан сўнг икки соатлар чамаси ўтар-ўтмас, мен оёққа турдим. Ўша куннинг ўзидаёқ мен ҳар доимгидек овқатланишим, ерга тушган нарсаларимни эгилиб олишим мумкин эди».

Ушбу янги услубнинг ўзбекистонлик «доялар» фаолиятида қўлланила бошлаганлиги оналарни ғоят қувонтирмоқда. Зотан, диёримизда волидалар ва фарзандларга катта эътибор қаратилганлиги маълум. 1999 йилнинг «Аёллар йили» деб эълон қилинганлиги ҳам ана шу буюк ғамхўрликдан нишонадир. Исроил ва Ўзбекистон олимларининг оналар ва болалар соғлиғини сақлаш борасидаги ҳамкорлиги яхши самаралар беришига иймонимиз комил.

КОСОВО МУАММО... АММО...

ОВРУПО қитъасининг «қоқ юраги»даги жароҳат — Косово муаммоси ҳамон қаттиқ оғриқ бермоқда. Шу боис Югославия Иттифоқ Республикаси билан НАТО ўртасидаги муносабатлар кундан-кунга таранглашмоқда. Шу сабабдан бўлса керак, Оврупо Иттифоқи Югославия ҳукумати ва косоволик айирмачиларни америкалик воситачи Кристофер Хилл, ОИнинг Югославиядаги вакили ҳамда айни вақтнинг ўзида Австриянинг мазкур мамлакатдаги элчиси Вольфганг Петрич томонидан тақдим этилган таклиф асосида музокараларга киришишга даъват этди.

ОИга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг Брюсселда бўлиб ўтган учрашувида Югославия ҳукумати ва косоволик албанлар иштирокида халқаро анжуман ўтказиш тўғрисидаги мазкур таклиф қўллаб-қувватланган эди. Бундан кейин кечадиган мулоқотлар Косово муаммосини сиёсий йўл билан ечиш ҳамда мухолиф томонларнинг музокаралар столига ўтириши учун амалий ёрдам бўлиши мумкин.

Шу орада Олмония канцлери Герхард Шрёдер ҳамда ташқи ишлар вазири Йошка Фишер Косово муаммоси юзасидан мамлакатдаги барча фракция раҳбарлари иштирокида мажлис ўтказди. Унда НАТО доирасида Македонияда хизмат қилаётган немис ҳарбийлари сонини ошириш бўйича боғлиқ масала муҳокама қилинди. НАТОга тегишли мазкур ҳарбийлар Овруподa Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Косоводаги миссияси хавфсизлигини таъминлаш учун Македонияга киритилган эди. Бу йилгинда иштирок этганлар ҳам бир овоздан Косово можароси фақат сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилинмоғи зарурлигини таъкидладилар.

БАРИСИ ТАХТ ВОРИСИ, БИРОҚ

УРДУН давлати подшоҳи Ҳусайн бин Талол яқинда узоқ муддатли даволанишдан сўнг АҚШдан ўз мамлакатига қайтиб келганлиги хусусида хабар берилган эди. Уч миллиондан зид аҳоли «ўз паногоҳ»ларини катта шоду-хуррамлик билан кутиб олдилар. Лекин, бир неча кундан кейин мамлакат сиёсати уфқида айрим ўзгаришлар зоҳир бўлди. Қирол мамлакатда бўлмаган вақтида тахт вориси деб эълон қилинган шаҳзода Ҳасаннинг сиёсий ўзбошимчаликка берилиб кетганлигидан подшоҳ қаттиқ норози бўлди. Шундан кейин Ҳусайн ўзгача қарорга келиб, укаси ўрнига катта ўғли Абдуллоҳни Урдун хошимийлар қироллиги тахтининг вориси деб расман эълон қилди. Барча ҳуқуқларидан маҳрум бўлган шаҳзода Ҳасан мамлакатни ташлаб чиқиб кетиш учун подшоҳ Ҳусайн бин Талолдан рухсат сўраган.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● АМЕРИКА олимлари Ой сатҳида музларнинг жуда ҳам катта заҳиралари борлигини аниқладилар. Уларнинг умумий ҳажми аввалги тахминлардан фарқли ўлароқ ўн баравар кўп — 6 миллиард тонна деб ҳисобланмоқда. Тадқиқотчилар ўтган йил 11 январидан эътиборан Ой атрофида парвоз қилаётган сайёралараро автоматик станция — «Лунар проспектр» маълумотларига асосланиб, шундай хулосага келдилар.

● КУНИ КЕЧА Грузия фуқароси Исмоил бобо Жаламидзе 117 ёшга тўлдилар. Шу муносабат билан у яқинда ойнаи жаҳон орқали сўзга чиқиб, ўзининг она-Ватанига, Грузия халқига катта омад тилади.

● ФРАНЦИЯЛИК мутахассисларнинг тадқиқотларига қараганда, шу кунларда чекиш туфайли пайдо бўладиган саратон (рак) касаллигидан вафот этаётганларнинг сони 2-жаҳон урушида Хиросимада ташланган атом бомбаси қурбонларидан ҳам зиёдроқ экан. Францияда ҳар йили бу касофат 150 минг нафар одамнинг ёстиғини қуритмоқда. Шифокор-олимларнинг айтишича, 2020-2025 йилларга бориб, қурбонларнинг сони икки баравар кўпайиши мумкин. Чунки, «кўк тутун» ишкибозларининг сафи аёллар ҳисобига кундан-кун кўпайиб бормоқда экан.

ЗИЛЗИЛАДАН ЗИЛ КЕТДИ

ЎТГАН душанба куни Колумбияда катта табиий офат рўй берди. Рихтер даражаси бўйича 6 баллга етган замин силкиниши одамлар бошига оғир савдолар солди. Зилзиланинг маркази пойтахтдан 170 километр узоқликдаги Рисаралда деган жойда бўлишига қарамай, оқибатлар фожиали бўлди. Армения, Каларка, Перейра сингари шаҳарлар катта вайронагарчиликларга учради. Тахминий ҳисобларга қараганда, 720 киши ҳалок бўлди. Юзлаб одамлар жароҳатланди. Боз устига атрофдаги ўнлаб қишлоқлар ер билан яксон этилди.

Офат оқибатларини тугатиш ишлари дарҳол бошлаб юборилди. Ишга яроқли одамлар, ҳатто, армия жалб этилди. Мамлакат президенти Оврупога қиладиган сафаридан воз кечди. Айни кунларда қўшни давлатлар дори-дармонлар, палаткалар, кўрпа-тўшаклар, кийим-кечаклар билан қолумбиялик жабрдийдаларга ёрдам бера бошладилар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР ДАСТУРИ

ДУШАНБА, 1

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Таҳлилнома".
***
8.40 "Ўзлик". Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 "Ўзбектелефильм" намойиш этади. "Усуллар парвози".
9.30 "Жаҳон спорти".
9.40 "Қишлоқ ҳақида ўйлар".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Кундуз амакининг қиссалари". Мультсериал.
10.20 "Жаҳон киноси юлдузлари".
10.40 "Оламга саёҳат".
11.00 "Изҳор". Мусиқий дам олиш дастури.
12.05 Кундузги сеанс. "Соқов ва муҳаббат". Бадиий фильм.
13.40 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
14.10-14.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 "Юрт хавоси даво".
18.25 "Истеъдод". Мусиқий дастур.
18.40 "Мувозанат". Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.00 "Ўзбектелефильм" намойиш этади. "Алоқа — тараққиёт бўсағасида". Премьера.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50 Эълонлар.
19.30 "Ахборот". (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Истиқлолим-истиқболим".
21.25 "Олам қўшиққа тўлсин". Мусиқий дастур.
21.55 "Қусто командасининг сувости саргузаштлари". Телесериал. 17-қисм.
22.45 **"Маънавият" дастури.**
23.45 "Ахборот".
00.15 «Гугуртга кетиб». Бадиий фильм.
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Қувноқ учрашув»)
18.25 Мультфильм.
18.40 «Муғанний».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «О, ёшлигим».
19.50, 20.45, 22.45 Эълонлар.
19.55 «Доктор Финли». Телесериал (охирги қисм)
20.50 «Жаҳон». Ҳалқаро шарҳ.
21.10 «Сурур».
21.25 «Худуд».
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Синема. «Каллакесарлар оропи».
00.30 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 "ДАРАКЧИ".
18.10 "Ёрилтош", Мульттўплам.
18.20 Телефакт (рус тилида)
18.30 "Ташналик". Телесериал.
19.20 "Сен ҳақингда ва сен учун" (рус
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Бумеранг".
20.20 Мусиқий лаҳзалар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Таггерт". Телесериал.
21.55 "Телефакт".
22.05 "Япония ҳақида ҳикоялар".
22.35 "ДАРАКЧИ".
22.45 "Спорт-тайм".
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Саргузашт фильмлар экрани.
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 "Мультсайёра".
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
Россия жамоат телевидениеси
18.45 "Шу ерда ва ҳозир".
19.05 Душанба куни Познер билан. "Биз" дастури.
«Ҳалқаро» телеканал
19.45 Сериал. «Дурдоналар изидан».
Россия жамоат телевидениеси
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
***
21.35 "Муҳаббат тарихи". Телесериал. 185-қисм.
22.20 "Оламда нима гап?" Ахборот кўрсатуви.
22.25 "Вақт хазинасидан".
22.35 Клип-антракт.
22.45 "Музейга саёҳат".
23.00 "Вести".
23.30 Киносеанс. "Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради". Бадиий фильм.
01.00 "Ахборот" (рус тилида)
01.25 Тунги сеанс. "Ўлимга тенг олишув". Бадиий фильм.
02.55-03.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 2

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
***
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Лирик тароналар.
9.10 "Қусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 17-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 Кундузги сеанс. "Пан Кляксанинг саргузаштлари". Бадиий фильм. 1-серия.
12.05 "Инсон — ҳаёт гултожи".
12.25 "Мактублар — кабутарлар".
12.50 "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
14.10 "Мусиқий соёҳат".
14.30-15.45 "Пан Кляксанинг саргузаштлари". Бадиий фильм. 2-серия.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 "Сиртқи телевизион олимпиада".
18.35 "Ҳунарманд". Тележурнал.
18.55 "Шеър ва шуур".
19.05 "Бинокор".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Иқтисодиёт чорраҳаларида".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Истиқлолим — истиқболим".
21.25 "Бархаёт сиймолар". Муҳиддин Қори Ёқубов.
22.00 Телевизион театр. "Муҳаббат қасри". 1-қисм.
22.25 "Бошпана излаб". Бадиий фильм.
23.50 "Ахборот".
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Қусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 17-қисм.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Ватан манзаралари.
19.50, 20.40, 22.30 Эълонлар.
19.55 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Иқувар Заррос». Телесериал (Греция)
20.45 «Марду-майдон».
21.10 Абадият оҳанглари: М.Узоков, Ю.Ражабий, К.Отаниёзов.
21.30 «Менинг фикрим».
21.50 «Ер ишки». Мусиқий дастур.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Интерфутбол. Ҳафтадаги энг яхши ўйин.
00.05 Шарқ эстрадаси.
00.20 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 "ДАРАКЧИ".
18.10 Болалар учун. "Энди эртак бошланади".
18.30 "Ташналик". Телесериал.
19.20 "Сен ҳақингда ва сен учун".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Таянч".
20.20 "Табиат шифохонаси".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Таггерт". Телесериал.
21.55 "Ҳиндистондан салом!" Мусиқий тўплам.
22.05 "Туризм ҳақида". Ҳафталик шарҳ.
22.35 "ДАРАКЧИ".
22.45 "Бешинчи ўлчов".
23.05 "Бу — джаз".
23.30 "Морт ва Фил". Мультсериал.
23.55 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 "Кинонигоҳ".
01.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
***
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 "Мультсайёра".
***
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
Россия жамоат телевидениеси
18.45 "Шу ерда ва ҳозир".
19.05 "Инсон ва қонун".
«Ҳалқаро» телеканал
19.45 Сериал. «Дурдоналар изидан».
Россия жамоат телевидениеси
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
*
21.35 "Муҳаббат тарихи". Телесериал. 187-қисм.
22.20 "Оламда нима гап?" Ахборот кўрсатуви.
22.25 "Дурдаршан".
23.00 "Вести".
23.30 Киносеанс. "Чангалзорлар қироли". Бадиий фильм. 1-серия.
00.40 "Ахборот" (рус тилида)
01.05 "Чангалзорлар қироли". Бадиий фильм. 2-серия.
02.10-02.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 4

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!".
8.00-8.30 "Ахборот".
***
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 "Мусиқий ринг". Телешоу.
9.10 "Қусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 18-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Меҳр қолуғ".
"Умид" намойиш этади:
10.25 "Соғлом — авлод учун".
10.45 "Ватанпарвар".
***
11.05 "Ёруғ олам кўзгуси".
11.20 "Ажаб саодат эрур". Бадиий-публицистик кўрсатув.
11.40 "Севги сурури". Мусиқий дастур.
12.05 "Инсон ва замин". Тележурнал.
12.25 Кундузги сеанс. "Икки дил до-стони". Бадиий фильм.
14.10-14.50 "Жавоҳирлар хазинаси". Адабий кўрсатув.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Ўсмирлар учун. "Умид учқунлари".
18.30 "Ҳарита". Ҳалқаро шарҳ.
18.45 "Тўртинчи ҳокимият".
19.00 "Ҳидоят сари".
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
19.55 "Юзма-юз".
20.10 "Оқшом эртаклари".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Мен нечун севаман Ўзбекистонни". Публицистик кўрсатув.
21.40 "Бир наво истар кўнгил". Мусиқий дастур.
22.15 "Миллий таълим уфқлари".
22.40 Телевизион театр. "Муҳаббат қасри". 2-қисм.
23.15 **"Сомон йўли".**
00.05 "Ахборот".
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Қусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 18-қисм.
18.55 «Мушоира».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Тараққиёт».
19.45, 20.35, 22.30 Эълонлар.
19.50 «Иқувар Заррос». Телесериал.
20.40 «Ёшлик формуласи».
20.55 «Одобнома».
21.05 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.15 «Санам».
21.35 «Мутойиба».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Синема. «Рожер исмли қўённи ким ўлдирмоқчи?»
00.25 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 "ДАРАКЧИ".
18.10 "Ёрилтош", Мульттўплам.
18.20 "Ташналик". Телесериал.
19.10 "Билиб қўйган яхши".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "ТВ ва театр".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Оқибат". Телесериал.
21.55 "Тошкент ва тошкентликлар".
22.10 "Ривоят".
22.20 "Яхши кайфият".
22.50 "ДАРАКЧИ".
23.00 "Боболардан қолган бу наво". Телефильм.
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Кинонигоҳ.
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
***
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 "Мультсайёра".
***
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
Россия жамоат телевидениеси
18.45 "Шу ерда ва ҳозир".
19.05 "Иўқотганларни излаб..." Сергей Мартинсон. Кўрсатувни Г.Схороходов олиб боради.
19.45 Сериал: «Дурдоналар изидан».
Россия жамоат телевидениеси
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
***
21.35 "Муҳаббат тарихи". Телесериал. 188-қисм.
22.20 "Оламда нима гап?" Ахборот кўрсатуви.
22.25 "Глинка-44".
22.40 Спорт-клуб.
23.00 "Вести".
23.30 "Кино сайёраси".
23.50 Кинематограф. "Шоқол". Бадиий фильм. Бош ролда Р.Гир, Б.Уиллис.
01.30 "Ахборот" (рус тилида)
01.55 Тунги сеанс. "Ғаройиб саёҳат". Бадиий фильм.
03.25 -03.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 5

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
***
8.30 "Мусиқа билан сирлашиб". Мусиқий дастур.
8.50 "Зийнат".
9.10 "Турон қизлари". Спорт дастури.
9.25 Телевизион театр. "Муҳаббат қасри". 2-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 "Кундуз амакининг қиссалари". Мультсериал.
10.50 "Маржон". Телеклуб.
11.20 "Сиҳат-саломатлик" почтаси.
11.40 Эстрада тароналари.
"Умид" намойиш этади:
12.05 "Вақтинг кетди".
12.25 "Кичкинтоймиз-гижингтоймиз".
12.50 Кундузги сеанс. "Есения". Бадиий фильм.1-серия.
14.10-14.50 "Ишкнома". Адабий кўрсатув.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. "Бир сиқим тупроқ".
18.25 "Адолат мезони".
18.45 "Қалб гавҳари". Адабий-маърифий кўрсатув.
19.05 "Имконият".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55, 23.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Ранглар жилоси".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Мавзу".
22.00 "Санъат дўстликка чорлайди". Мусиқий дастур.
22.35 Телевизион театр. "Муҳаббат қасри". 3-қисм.
23.10 "Кинонинг минг бир олами".
23.30 "Ахборот".
"Мунаввар дунё". Дам олиш дастури.
24.00 "Замин фарзанди". Бадиий фильм.
01.25-01.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ўй вазифаси»).
18.20 Мультфильм.
18.35 Ҳужжатли кино бисотидан: Ал-Фарғоний.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ҳуқуқ ва бурч».
19.45, 20.35, 22.30 Эълонлар.
19.50 «Иқувар Заррос». Телесериал.
20.40 «Автосалтанат».
20.50 «Мутахассис».
21.05 Наволарда аён этсам.
21.20 Интерспорт.
21.40 Тобаррук қадамжолар.
21.50 «Ўйна, гулим, ўйна...»
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Синема. «Ўнитилмас онлар».
01.35 «Мунаввар тонг истаб!»

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Ёрилтош", Мульттўплам.
9.25 "Кунгил тароналари".
9.40 "Бешинчи ўлчов".
10.00 Болажонлар экрани.
11.40 "Бу-джаз".
12.00 "Тошкент ва тошкентликлар".
12.15 "Ривоят".
12.25 "Билиб қўйган яхши".
12.40 Эстрада концерти.
13.10 "Туризм ҳақида".
13.40-15.20 Кинонигоҳ.
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 "Ёрилтош", Мульттўплам.
18.25 "Ташналик". Телесериал.
19.15 "Дардингизга даво".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Ҳусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.20 Мусиқий лаҳзалар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Оқибат". Телесериал.
21.55 "Адабий иклим".
22.20 "Спорт оламида".
22.40 Катталар учун эртак.
22.50 "ДАРАКЧИ".
23.00 "Ишдаги ишқ ёки..."
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 "Кинонигоҳ".
01.15 "Хайрли тун, шаҳрим!"

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 "Мультсайёра".
***
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
18.45 "Дил изҳори".
Россия жамоат телевидениеси
19.15 "Сиҳат-саломатлик".
19.45 "Мўъжизалар майдони".
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
***
21.35 "Муҳаббат тарихи". Телесериал. 189-қисм.
22.20 "Оламда нима гап?" Ахборот кўрсатуви.
22.25 "Сизнинг адвокатингиз".
22.45 "Инжу".
23.00 "Вести".
23.30 Оскар совриндорлари антологияси.
23.45 Кинематограф. "Зангор фасл гўзалликлари". Бадиий фильм.1-қисм.
00.45 "Ахборот" (рус тилида)
01.10 "Зангор фасл гўзалликлари". Бадиий фильм. 2-қисм.
02.10-02.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 6

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!",
8.00-8.30 "Ахборот".
***
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 "Мусиқа бўстони". Телеальманах.
9.10 "Мактуб йўлга чорлади".
"Умид" намойиш этади:
9.35 "Мулоҳаза, мунозара, муносабат...".
9.55 "Мен билган, билмаган дунё".
10.15 "Қўшиғим, жон қўшиғим".
10.45 "Пулат тулпорлар".
***
11.05 "Манзил". Бадиий-публицистик кўрсатув.
11.45 "Шоҳрух" клуби.
12.15 Телевизион театр. "Муҳаббат қасри". 3-қисм.
12.45 "Чорраҳа".
13.10 "Бўстон". Тележурнал.
13.40 Кундузги сеанс. "Есения". Бадиий фильм. 2-серия.
14.45 "Мен нечун севаман Ўзбекистонни". Публицистик кўрсатув.
15.20-15.50 "Қиёфа".
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бешбармоқ". Тележурнал.
18.25 "Иқтисод ва биз".
18.50 "Бахтли воқеа".
19.25, 20.25, 21.00, 22.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
19.55 "Оқшом эртаклари".
20.10 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.20 "Жаҳон спорти".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Қишлоқ ҳаёти".
21.25 Санъат усталарининг концерти.
22.00 "Ким? Нима?" Телемусобақа.
22.35 Телевизион театр. "Муҳаббат қасри". 4-қисм.
23.05 "Ахборот".
"Тунги ёғду". Дам олиш дастури:
23.35 "Куй ва тасвир".
23.55 "Самрат". Бадиий фильм. 1-серия.
01.00-01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
8.30 «Кўринмас дунё». Маърифий дастур.
9.20 «Сурур».
9.30 «О, ёшлигим...»
9.50 «Қусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 17-қисм.
10.40 «Муғанний».
10.55 «Рақурс».
11.20 «Абадият оҳанглари». М.Узоков, Ю.Ражабий, К.Отаниёзов.
11.40 Кинотақдим.
12.05 «Марду-майдон».
12.30 Танишинг: Фурқат Мирзаев.
12.45 «Минг бир маслаҳат».
13.00 «Синдбад». Телесериал.
13.45 «Шу куннинг мавзуси».
14.05 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
14.35 Синема.
16.05 «Ўйна гулим, ўйна»
16.20 Жаҳон жўғрофияси.
17.10 «Рақслар қанотида».
17.30 Спорт ҳафтаномаси.
17.50 «Ер ишки». Мусиқий дастур.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Олтин қалит»)
18.40 «Дилбарим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Лирик планда». Энди Макдауэл.
19.45, 21.00, 22.55 Эълонлар.
19.50 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. У.Ҳошимов «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 1-қисм.
21.05 «Бизнес-академия».
21.20 Мусиқа теграсида.
21.40 «Баҳс, мунозара, таҳлил...»
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Сенинг вақтинг».
22.55 Синема. «Тўрт тўй ва дафн маросими». Бош ролларда Энди Макдауэл ва Хью Грант.
00.35 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Ёрилтош", Мульттўплам.
9.30 Дилором наволар.
9.45 "Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари". Телесериал.
10.30 "Муаллиф".
11.00 Болажонлар экрани.
12.40 "ТВ ва театр".
13.05 "Дардингизга даво".
13.15 "Бева бланка". Телесериал.
14.00 "Адабий иклим".
14.25 "Спорт оламида".
14.45 Катталар учун эртак.
14.55-16.35 "Кинонигоҳ".
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 "ДАРАКЧИ".
18.10 "Ёрилтош", Мульттўплам.
18.35 "Табиат шифохонаси".
18.45 "Қонун ҳимоясида".
18.55 "Ер қурраси".
19.15 Мусиқий танаффус.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Янги ой чиққан кеча".
20.20 Дилором наволар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Таснанно".
21.30 "Даллас". Телесериал.
22.20 "Менсиз гавҳар".
22.40 "ДАРАКЧИ".
22.50 "Зарафшон". Телефильм.
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 "Кинонигоҳ".
01.00 "Хайрли тун, шаҳрим!"

ЎзТВ IV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 "Кино сайёраси".
9.25 Кинематограф. "Шоқол". Бадиий фильм.
11.05 "Инглиз тили Сиз учун!"
11.35 "Хушнуд онлар".
11.55 "Дидар".
12.15 "Бинафша".
12.35 «Сиз кутган учрашув».
12.55 «Г

«Алпомиш» достони юбилейи олдидан

НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

ВАЗИРЛАР Маҳкамасининг «Алпомиш достони юбилейини нишонлаш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда ўзбек халқ оғзаки ижодини, хусусан, унинг ноёб дурдонаси «Алпомиш» достонини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш борасидаги улкан ғамхўрликнинг ёрқин далили бўлди.

Фольклоршуносларнинг таъкидлашича, «Алпомиш» достонининг қирқдан ортиқ варианти мавжуд. Ҳозир уларни аниқлаш, ёзиб олиш ва китобхонлар эътиборига ҳавола этиш ишлари авж олиб кетди. «Ёзувчи» нашриёти достоннинг бир неча вариантини тортиқ этишни режалаштирган. Шулардан бири — сурхондарёлик бахши Хушбоқ Мардонақул ўғлининг олим Тоштемир Турдиев томонидан ёзиб олинган нусхаси босмадан чиқди.

Асар «Ўзбек халқ достони» туркумида ўн минг нусхада нашр этилди.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

НЕМИС ГРАФИКАСИ КЎРГАЗМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН давлат санъат музейида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган элчихоналар билан ҳамкорликда кўргазмалар ташкил этиш яхши анъанага айланиб қолди. Германия Федератив Республикасининг 70-йилларга оид графикаси кўргазмаси очилиши ҳам ана шундай ҳамкорлик самараси бўлди.

Гёте институтининг Тошкентдаги ваколатхонаси тақдим этган мазкур кўргазма немис графика усталари ижодига бағишланган. Кўргазмага қўйилган асарлар турли йўналишларни қамраб олган. Улар орасида немис реалистларининг янги вакили Пьер Рестон асарлари алоҳида ўрин тутади.

Кўргазмага қўйилган асарлар томошабинларда катта кизиқиш уйғотмоқда.

М. ОДИЛОВА.
(ЎзА).

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ

МАМЛАКАТИМИЗДА халқ таълимини ислоҳ қилишга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда «Таълим тўғрисида»ги қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

Эндиги вазифа бу хужжатларни, уларнинг мазмун-моҳиятини бевосита ижрочиларга — халқ таълими ходимларига етказиш ва тушунтиришдан иборатдир. Шунингдек, соҳада юз бераётган ижобий ўзгаришлар, илғор педагогик тажрибаларни кенг ёйиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифани халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарила бошланган «Таълим тараққиёти» ахборотномаси бажаради.

Ахборотноманинг илк сони босмадан чиқди. У Президент Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавобларидан олинган парчалар билан очилади. Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ўз мақоласида республикамизда халқ таълимига бўлган улкан эътибор ва ахборотноманинг вазифаларига тўхталган. Мазкур сонда, шунингдек, таълим ислоҳотлари борасида чиқарилган ҳукумат қарорларига ҳам ўрин берилган.

(ЎзА).

ЯХШИЛАР ЁДИ

ЕЛКАДОШ ОҒАМ, ҚАЙДАСИЗ?

Бирор нарсадан ранжиганимда, кўнглимга ғубор оралаганда беихтиёр Юсуф Шомансурни эслайман. Унинг тийрак нигоҳи, тўғри сўзлиги, чўртксарлиги, ҳақиқатни қарор топтириш учун ўзини ҳам, ўзгани ҳам ҳимоя қилишга ҳозиру нозирлиги кўз ўнгимдан бирма-бир ўтаверади. Ана ўшанда кўнглимга юпанч қидира бошлайман, беихтиёр Юсуф акани излаб қоламан...

Дарвоқе, Юсуф Шомансурнинг ҳаётдан бевақт кўз юмганига ҳам йигирма йиллар бўлди чоғи. Ҳарқалай, кўнглимга таскин, тасалли излаб, унинг китобларини варақлайман.

Юсуф аканинг шеърлари, фавқулодда фикр айтиш, шеърхонга қандайдир янгилик бериши билан ажралиб туради. Унинг шеърларини қайта-қайта мутолаа қиларканман, кўнглимдаги туғёнлар авж олгандек бўлади. Ҳаётга меҳру муҳаббатим ортади, яшашга, яшаганда ҳам қувониб-кувониб яшагим келади.

Унинг ажойиб шеърлари, қўшиқлари, ўхшатма-ҳажвиялари, достонлари, саҳна, таржималари, мунозарага чорловчи илмий-адабий мақолалари ва ниҳоят, «Қора марварид» романи ана шу қаттиққўлликнинг такрорланмас мевалари эди десам, янглишмаган бўламан.

Юсуф ака ҳозир мен ўқиётган ҳамду саноларга, холвайтар янглиғ мақтовларга ҳеч қачон муҳтожлик сезмаган. Аммо унинг қисқа ҳаёти, унинг серҳаракат ижоди ҳақида сўз юритилса, аввало, шоирнинг руҳи шод бўлади. Қолаверса, яхши ижодкор, яхши одамлар ҳақида қанчалик кўпроқ муҳтасар сўз айта олсак, шунчалар фойдадан ҳоли бўлмас, деб ўйлайман.

Биз илк машқлари матбуот юзини кўрган ёш қаламкашлар (Эминжон, Темур, Абдулҳай, Шоазиз, Рауф ва марҳум Шуҳрат) Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида ўтказиладиган тадбирлардан қолмасликка тиришардик. Айниқса, 60-70-йилларда бундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Ана шундай тадбирларнинг биридан кейин тўғарак раҳбаримиз Ҳайриддин Салоҳ бизни ўрта бўйли, қорачадан келган, каттагина бурни ўзига ярашиб турадиган киши билан таништирди. Ўша пайтлари Юсуф ака уюшмада ўтажак баҳсларнинг мутасаддиларидан бири, қолаверса, «Шарқ юлдузи» журналида адабиётшунослик ва танқид бўлимини ошқарар эканлар.

— Юсуф Шомансур, жуда чапдест шоир, бундан ташқари қадрдон дўстим, менга ишонгандек ишонаверинглар! — деди кўзлари чақнаб, Хайриддин ака.

Юсуф ака ҳаммамиз билан қўл олишиб кўришди.

— Эминжоннинг ҳикояларини, Шавкатнинг шеърларини ўқиганман. Қандайдир ростгўйлик бор уларда, — деди у.

— Шомансур ўғиллари (Шайхзода ибораси) мақтадими, бас. Меҳнатларингиз зое кетмайди. Мақтовга яраша иш қилиш, унга муносиб бўлиш керак, — деди Хайриддин акам.

Шундай қилиб, Юсуф ака билан апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Гап шундаки, ўша йиллари у киши «Тошкент хўжалиги яқинидан ҳовли олган бўлиб, салкам ҳамқишлоқ бўлиб қолганди.

Хайриддин Салоҳнинг фожиали ўлимидан сўнг биз Тошкент туманида яшаб, ижод қилаётган ёшлар Юсуф Шомансурга қаттиқроқ суяниб қолгандик.

Орамиз ҳали ҳам эмас
кўп йироқ.
Беш йилми, ўттиз йил,
нима деган гап!
Шеъримиз — шеър экан,
ўзимиз — тупроқ,
Аммо, лаҳза-лаҳза боргум
такрорлаб:
Наҳотки, наҳотки, сендан
айрилдим —
Қиёматлик дўстим азиз
Хайриддин?!

Бу айрилиқ Юсуф Шомансурга қаттиқ таъсир қилди. Унинг сочларига оқ оралади, вазмин, хаёлпараст бўлиб қолди. Янада қаттиқроқ ижод қилишга киришди. Биз шогирдларини шундай қилишга ундарди.

Отам ўлганида қалбим
ўртанган,
Устоз тобутига боқдим аламнок.
Тенгқурдан айрилмоқ —
фожиа экан,
Чўғ бўлиб чўғмасман ва
хок бўлиб хок...
Ёш ўрнига зардоб томар
кўзимдан,
Оҳ ўрнига кўчар қалбимдан
ингроқ.
Ҳайҳот, завқ ололмай қолдим
назмдан,
Дўстлигимиз ўзи шеър эди
янгроқ.
Наҳотки, наҳотки,
сендан айрилдим —
Қиёматлик дўстим азиз
Хайриддин!

Юсуф ака устоз-шогирдлик анъаналарини давом эттиришга жазм айлади. У марҳум дўсти Хайриддин Салоҳнинг тетапоя бўлиб адабиётга қадам қўяётган шогирдларини ўз паноҳига ола билди. Юсуф ака ҳар биримизга ўзгача меҳр билан қарар, машқларимизни ўқиб чиқар, таҳрирталаб жойларини эринмай тузатар ва уларни ўзи газета ва журналларга тавсия этарди. Агар бирортамизнинг шеър ёки ҳикоямиз матбуотда чоп этилса, албатта, излаб топар ва самимий қутларди.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шеърият кенгашининг йиғилиши бўлди. Унда Сулаймон Раҳмоннинг «Ҳаёл» ва менинг «Тасаввур» шеърлар тўпламларимиз муҳокама қилинди. Кенгаш ҳайъати — эътиборли ёзувчи, шоирлар ва мунаққидлар тўпланган. Сулаймон икковимиз қалтираб, шеърларимиздан намуналар ўқидик. Аммо, менинг кўнглим алағда. Асосий маърузачи Юсуф Шомансур кўринмасди. Кўнглим чўкиб кетди...

Шу пайт эшик очилиб, остонада Миртемир ака билан Юсуф Шомансур кўринди. Назаримда олам чарақлади, ҳаммаёқ чарағон... Бизга «тиш қайраб» ўтирганларнинг эса дами ичига тушиб кетди. Устоз Миртемирнинг камтарона салобати ҳаммани сеҳрлаб қўйгандек эди. Муҳокама яхши ўтди. Миртемир домла «Кузги паллалар» деган шеъримни йиғилганларга ўқиб бердилар. Кейин тантилик билан шундай деб алқадилар.

«Қаранг, ёш шоир кузни эсда колгулик бўёқларда кўз ўнгингизга келтиришга қурби бор лавҳа яратибди. Шеърият учун зарур тимсоллар топибди. Отасига балли!»

Юсуф ака ана шунақа қалтис дамларда ҳам ташаббусни ўз қўлига ола биладиган меҳрибон ва ҳақиқий устоз эди.

Ўша тўпламим Юсуф аканинг муҳтасаргина сўзбошиси билан 1976 йилда «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилди. Матбуотда яхшигина баҳо олди. Бунда ҳам Юсуф аканинг ўзига хос саҳоватли қўллари борлигини сезиб турардим.

Илк шеърлар тўпламим чиққан, матбуотда мақталган. «Гулхан» журналида ишлайман. Гўё менга етар киши йўқ. Шундай кунларнинг бирида Юсуф ака йўқлаб қолдилар. У киши қутловни ҳам қойилмақом қилиб айта оларди.

— Шавкатжон, табриклайман, қани уйга кетдик. Наримондан рухсат олдим. Бир отамлашайлик, — дедилар.

Мен гумроҳ, шунча яхшиликлар қилган устозимга тузукроқ миннатдорчилик билдиролмаганимга ҳали-ҳали ачинаман. Ўзимни ўзим койийман. Ахир, шу сатрларни ҳам сиз тириклигингизда ёзсам бўлмасмиди, Юсуф ака?! дея ҳайқиргим келади.

Ҳали эқилмаган дарахтлар
хуллас,
Шовуллаб турибди хаёл
уфқида.
Ҳали кўкармаган ниҳол
ишқида,
Қайғуриб яшамоқ одамзотга
хос.

...Бирор нарсадан ранжиганимда, кўнглимга ғубор оралаганда беихтиёр Юсуф Шомансурни эслайман. Унинг тийрак нигоҳи, тўғрисўзлиги, ҳақиқатни қарор топтириш учун ўзини ҳам, ўзгани ҳам ҳимоя қилишга ҳозиру нозирлиги, хуллас, унинг сиймоси кўз ўнгимдан бирма-бир ўтаверади... Елкадош шоир оғам, қайдасиз...

Шавкат ТУРОБ.

СПОРТСПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**

«ФУТБОЛ — 99»

«ДЎСТЛИК» МАВСУМ АРАФАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси саккизинчи миллий чемпионатида қатнашувчи олий табақа жамоалари мавсумга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси бу йилги мавсумга янги мураббий Рустам Мирсодиқов бошчилигида ўқув машқларини ўтказишмоқда.

Янги бош мураббий ўз жамоаси таркибига Ногинск шаҳрининг «Автомобилчи» жамоасидан Давлатов ва Хасановни, Наманганнинг «Навбаҳор» жамоасидан эса Мухтор Қурбонов, Аваз Ҳошимов, Собиров, Шерзод Назаров, Вячеслав Понамарёв ва Шуҳрат Раҳмонқуловларни таклиф қилган. Кўқоннинг «Темирйўлчи» жамоасидан Осмонов, Бекободнинг «Металлург» жамоасидан эса Плешков, Винников, Олег Буровни ҳамда Сойиб Аҳмедов (МҲСК), Улуғбек Рўзимов («Хоразм»), Алишер Бозоров («Сурхон»)ни ҳам ўз жамоаси таркибида кўрикдан ўтказмоқда.

Олий табақа жамоалари 18 март — «Футбол байрами» куни миллий чемпионатнинг байроғини кўтаришади. Шу куни «Дўстлик» жамоаси 1998 йил чемпиони, пойтахтнинг «Пахтакор» жамоасини қабул қилади. «Пахтакор» жамоасида бош мураббийлик вазифасини Аҳмад Убайдуллаев эгаллади. «Дўстлик» ўйинчиси Гальянов чемпион таркибида мавсумга тайёрланмоқда. «Пахтакор» таркибидан дарвозабон Павел Бугало ва ҳимоячи Александр Хвастунов «Крилья Советов» («Самара») жамоасига ўтиш учун кўрикдан ўтишмоқда. Ҳозирги кунда чемпион Бирлашган Араб Амирликларида мавсумга тайёргарликни қизғин давом эттиряпти. Улар у ердан Осиё Кубоги эгалари кубоги ўйинларининг дастлабки учрашувида «Ал-Иттиҳад» жамоаси билан учрашувга жўнайдилар.

Мавсумга тайёргарлик давомида «Дўстлик» ўз майдонида Қозоғистоннинг «Қайрат» жамоаси билан учрашиб йирик ҳисобда мағлубиятга учради. Улар меҳмонлар дарвозасига битта тўп киритиб ўз дарвозаларидан бешта тўп ўтказиб юбордилар. Пойтахт армиячилари билан бўлган учрашувда эса 2:1 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Саккизинчи миллий чемпионатда олий табақада 16 жамоа қатнашади. Улар ўртасидаги биринчи тур учрашувларида «Насаф» — «Хоразм», «Зарафшон» — «Бухоро», «Андижон» — Сўғдиёна», «Самарқанд» — «Навбаҳор», «Янгиер» — «Темирйўлчи» жамоалари бир-бирлари билан куч синашишади. Вилоятимизнинг иккинчи вакили Бекободнинг «Металлург» жамоаси эса Термизда «Сурхон»га қарши майдонга тушади.

«Дўстлик»нинг бу йилги режалари ўтган йилгидан кўра юқори ўринларга кўтарилиш. Улар медаль учун «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари билан бирга чемпионлик учун курашувчи асосий даъвогарлардан бири бўлиб қолсалар ҳам ажаб эмас. Буни келажак кўрсатади. Биз уларнинг режаларини амалга ошишига тилакдошмиз.

Талъат ЮСУПОВ.

ИЛҲОМ

МУҲАББАТ

Сени тилаб, нигор, яп роқ ёзар гул,
Ўн саккиз ёшингни қутлайди олам.
Сенинг изингдадир шайдойи булбул.
Сенинг ёшингдадир бугун севги ҳам.

Балки, сен туфайли севги-муҳаббат,
Энг сара қўшиқлар қадр топдилар.
Ишқнинг пок номини дилга жо айлаб,
Гул юзлар ҳаёдан парда ёпдилар.

Ҳар дамдан умидвор яшайди ошиқ,
Уз бахтин изидан бўлур равона.
Ҳали қанча-қанча севилмаган ишқ,
Ҳали айтилмаган қанча афсона.

Қўлга соз олурман завқларга тўлиб,
Кўнгил наволари сизгадир, сизга.
Янги бир «ишқнома» куйчиси бўлиб,
Киргум бор, ошиқлар, қаторингизга.

Абдуқодир ҚАЮМОВ.

ОНАЖОН

Кўксингда ухлагим келади,
Ҳар лаҳза йўқлагим келади,
Кўрсам дард кетгандек бўлади,
Бағримни тўлдирган онажон!

Ёнимда гижинглаб чопсин деб,
Ҳаётда ўз ўрнин топсин деб,
Юлдузли кечалар ғамим еб,
Бошимда ўлтирган онажон!

Хастанинг кўзига чўғ бериб,
Фарзандлар қўлига туғ бериб,
Бевафо дунёга руҳ бериб,
Дунёни кулдирган онажон!

Кўксингда ухлагим келади,
Ҳар лаҳза йўқлагим келади,
Кўрсам дард кетгандек бўлади,
Бағримни тўлдирган онажон!

Шуҳрат ОРИФ.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 30 январь-3 февраль кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради. Баъзи жойларда туман тушиб ёғингарчилик бўлиши мумкин. Шарқдан эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 5-10 метрни ташкил этади.

Ҳарорат кечалари 3 даража совуқ, 2 даража илиқ атрофида. Кундуз кунлари эса 9-14 даража илиқ бўлиши кутилади.

Бўка туманидаги «АЧАМАЙЛИ» жамоа хўжалиги 1999 йил 27 январдаги умумий йиғилиш қарорига асосан ширкат хўжалигига айлантирилиши муносабати билан

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Тошкент Почтаси ҳиссадорлик жамиятининг Бўка филиалида салкам йигирма йилдан буён газета тарқатувчи бўлиб ишлаётган Норниса Файзиева ўтган йили самарали меҳнатлари эвазига «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Ҳукуматимизнинг бу юксак мукофотини масъулият ва ишонч деб билган Н. Файзиева ўз ишини янада яхшилашга ҳаракат қилаётир.

СУРАТДА: Н. Файзиева филиал раҳбари Б. Раҳмонов билан навбатдаги режалар хусусида суҳбатлашмоқда.

Огоҳлантириш

ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ

ҲАР ЙИЛИ республикамизда, шунингдек, вилоятимизда содир бўлаётган ёнғинлар туфайли қанчаданқанча давлат ва халқ мулки кулга айланмоқда. Бепарволик, масъулиятсизлик, лоқайдлик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик туфайли моддий ва маънавий зарар кўрилмоқда.

1998 йил мобайнида вилоятимизда жами 2504та ёнғин содир бўлиб, 51 фоизи (1277та) фуқароларнинг турар-жойларига тўғри келди. Айниқса, Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари, Бўстонлиқ, Қибрай, Чиноз ва Янгийўл туманларида бўлган ёнғинлар айрим инсонлар ҳаётига зомин бўлди.

Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, ёнғин чиқишининг асосий сабаби ёш болаларнинг олов билан ўйнаши 31,9 фоиз (800та), электр ёки газ ускуна ва қурилмаларининг носозлиги, улардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик 28,4 фоиз (711та) ва 19,8 фоиз (495та) эҳтиётсизлик оқибатида содир бўлган воқеалардир.

Ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари ёнғин фалокатининг олдини олиш, уларда инсонлар ҳалок бўлишига йўл қўймаслик борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар. Фуқаролар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказмоқдалар, радио-телевидение ва рўзномалар орқали тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Халқимизнинг энг катта бойлиги — инсон ҳаётини ёнғиндан асраш — бу ҳаммамизнинг ишимиздир. Бунинг учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиб, зарур чора-тадбирларни ўз пайтида кўриш, давлат ёнғин назорати ташкилотлари томонидан текшириш мобайнида аниқланган барча камчиликларни вақтида бартараф этиш лозим.

Гапнинг индаллоси шуки, ҳамиша ҳушёр бўлингандагина, амалдаги ёнғиннинг олдини олиш қоидаларига риоя этилгандагина, хонадон соҳиблари лоқайдлик уйқусидан уйғонганларидагина нохуш ҳолатларнинг олдини тўлиқ олиш мумкин.

Минг марта айтгандан кўра бир марта бажарган яхши, деган халқимизнинг доно гапларига амал қилайлик. Пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилиб топган мол-дунёим бир неча сонияда қўкка совурилиб, фожеа қурбони бўлмасин десангиз, ўт билан ўйнашманг.

Ўт балосига учрамаслик учун ҳамиша ҳушёр бўлайлик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилайлик!

Мирислом ИНОЯТОВ,
Тошкент вилояти
ИИБ ЁСБ бошлиғи,
ички хизмат
полковниги.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ БОЖХОНА КОЛЛЕЖИ 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН БОЖХОНА ИШИ-ҲУҚУҚШУНОСИ МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Божхона коллежи ҳарбийлашган ўрта-махсус, касб-ҳунар таълим муассасаси ҳисобланади. Божхона коллежи божхона идоралари учун ўрта бўғин кадрларини тайёрлайди. Коллежда ўқитиш муддати 3 йил, шу жумладан 1 йил амалий ишда синовдан иборат. Ўқитиш Давлат таълим грантлари асосида кундузги шаклда амалга оширилади.

Коллежда ижтимоий-гуманитар, юридик ва божхона ишига оид махсус фанлар, инглиз тили, ҳарбий хизмат, автомобиль тайёргарлиги, информатика асослари каби фанлар ўқитилади.

Коллеж битирувчиларига божхона иши-ҳуқуқшуноси мутахассислиги дипломи, божхона хизмати лейтенанти унвони берилади. Ўқиш вақти божхона органларида хизмат стажига ва ҳарбий хизмат муддатига қўшилади.

Коллеж курсантлари, норматив пул таъминоти, кийим-бош, озиқ-овқат ва ётоқхона билан бепул таъминланадилар. Божхона коллежига 11 йиллик умумий ўрта таълимга эга, ёши 17 дан 23гача бўлган, бўйи 170 сантиметрдан паст бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (асосан йигитлар) қабул қилинади. Абитуриентларнинг ёши жорий йилнинг 31 декабри билан белгиланади.

Жойларда божхона идоралари махсус комиссиялари томонидан амалга оширилиадиган касбий танлов талабларига жавоб берган абитуриентларнинг шахсий ҳужжатлари божхона коллежига юборилади. Ҳарбий-тиббий кўрик, жисмоний тайёргарлик ва касбий танловнинг бошқа синовларидан ўтган абитуриентлар тарих ва математика бўйича тест синовларида иштирок этадилар. Божхона коллежига ўқишга кириш тўғрисидаги аризалар фуқаро яшаб турган жойдаги божхона идоралари томонидан 1999 йилнинг 1 апрелига қадар қабул қилинади.

Ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ маълумотларни Тошкент вилояти божхона бошқармаси кадрлар бўлими телефонлари орқали олишингиз мумкин.

Тел: 64-90-53, ички: 221.
Манзилимиз: Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 2-уй.

«Тошкент вилоят савдо» ҳиссадорлик компанияси акционерларнинг йиллик умумий йиғилиши 1999 йил 27 февраль куни соат 11.00 да ўтказилишини маълум қилади.
Манзил: Тошкент шаҳар, Нукус кўчаси, 77 уй.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Тошкент вилоят савдо» ҳиссадорлик компаниясининг 1998 йилдаги фаолияти натижалари ҳақида Бошқарув ҳисоботи.
2. Йиллик бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.
3. Тафтиш ҳайъати хулосасини тасдиқлаш.
4. «Компаниянинг 1998 йилдаги фаолияти натижалари ҳақида»ги аудиторлик текширувлари хулосасини тасдиқлаш.
5. 1998 йил якунларига кўра дивиденд тўлаш ҳақида.
6. «Тошкент вилоят савдо» ҳиссадорлик компаниясининг 1998 йилги чиқимлар ва киримлар рўйхатини тасдиқлаш.
7. Иккиламчи эмиссия акцияларини чиқариш ва жойлаштириш якунлари ҳақида.
8. Компаниянинг янги таҳрирдаги низоми ҳақида.

Маълумотлар учун телефонлар: 55-83-42, 55-83-73.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-06. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 10.550 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 205 Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6